



Хитой совет ҳукуматининг 1941-1942 йилдаги уруш ахволини пайкаб, 1942 йил ёз ойларида Урумчида Чанкайшининг (Ўша вақтдаги Марказий Хитой ҳукуматининг раҳбари.) хотини Сунгминглингхоним марказдан вакил бўлиб келиб, Шин дубанни ўз йўлига киргизди. Неча йилдан бери тутган йўли хато эканлигини ўзига иқдор килдириб, санминжуйчи, яъни гўминдонгман (Гўминдон - Хитой миллатчилари партияси.) деб тан олгандан кейин янги йўлни иқдор қилиб, эски йўлни тубандагича газетага ёзиб чиқди, мазмуни шундай: “Мен материализм кўчасига зўрлик билан кириб қолиб, ўн йилдан бери боши берк инсоният учун юриб булмайдиган тубсиз ботқоқ, туюқ кўчадин чиқолмадим. Энди мен хақикий сангминжуйчи-гўминдонгман. “Мазкур инқилобда уйғурларни Сталин алдаган бўлса, энди Сталинни Шин дубан алдаб, аксига қайтди.

Шунинг билан бирга Сталиннинг қопқонидан бўшаганини ҳис қилган ҳолда ўз вақтида совет томонидан Шиншишога, яъни Шарқий Туркистон билан Хитой чегарасини ажратиб турадиган ерга олиб бориб олган бир дивизия совет аскарини қиска вақт ичида олиб чиқиб кетишга мажбур қилиб чиқариб юборди Шу жараёнда советдан Шарқий Туркистонга келган ҳар соҳадаги хизматчиларни ҳам хору зор қилиб, чегараларни ёпиб қўйди.

Бу советлар учун қутилмаган қаттиқ зарба эди. Чунки Сталин Шарқий Туркистонни йўли билан ўзининг озик-овқат омборхонасига айлантирган бўлиб, энди эса ўзи билганича еб-ичолмай, дарёдай оқиб турган манбадан ажраб қолиш унга жуда қатта зарар эди. Бу ўлкадаги ўн миллионлаган аҳолининг дехқончилик ва чорвачилик билан шугулланиб

етиштирган махсулотини ўзи билган энг арзон баҳо билан булаб-талаб олиб, ўрнига бошқа дунёда кетмайдургон, паст, ўтмас молларни зўрлаб ўтказиб, шу йўллар билан ҳисобсиз катта фойда олиб турган эди. Бу сиёсатни узок йиллардан бери зулм-ҳиёнат билан йўлга қўйиб келган. Бундан ташқари, ҳисобсиз ер ости маъданларидан ажраш бошқа бойликлардан уруш вақтида маҳрум бўлган совет ҳиёнатчилари учун зўр йўқотиш эди.

Айни замонда Шарқий Туркистон халклари учун ҳам катор қийинчиликлар вужудга кела бошлади. Чунки халқнинг ўзидан ошган махсулотларини оладургон жой йўқ, Хитойга олиб бориш учун эса 3 минг км йўл юриш керак. Бунинг учун темир йўл мавжуд эмас. Афғон Ҳиндистон чегаралари ҳам олис. Тоғу тош, довлар билан қиладургон қарвон савдо йўлларини совет тазйиқи остида йўқ қилиб ташлаган. Мазкур чегаралар шаҳарлардан олис бўлиш билан бир қаторда от-улоқлар билангина алоқа қилинадур. Бу соҳада қийинчилик Шарқий Туркистон [жануби]га нисбатан шимолий Тиёншон Жунгория пастлигида жойлашган уч вилоят - Гулжа, Чўчак, Олтойда янада кўп сезилди. Чунки булар учун советдан бошқа чегара йўқ ҳисобида бўлиб, натижада уч вилоят аҳолиси қийим-кечакдан жуда қийналдилар. Қозок-киргиз ва умуман, қишлоқ аҳолиси учун қаттиқчилик ва қаҳатчилик бошланиб, ўзларини ҳар тарафга ура бошладилар. Бундан совет маққорлари фойдаланиб, илгари кўзга қўринмаган жойларда ўтрихоналар қуриб, бу ерларда яширин тарзда қорва молларини ола бошладилар. Бу эса ёмон одамлар билан ўғриларга ниҳоят қўл келди. Чунки ўғрилар қаердан бўлмасин озми-кўпми қорва моллари олиб борадиган бўлса, кечаси уларга йўл қўрсатиб, катта қишлоқларни ўчириб-ёндириб ўзи бор жойни қўрсатиб, ўғирлаб олиб борган молни олиб, ўрнига арзимаган нарсаларни бериб, елкасига қоқиб, яна олиб келиш учун йўл-йўриқлар берад эди. 1942 йилдан то 1944 йилнинг охиригача ўғриларга йўл очиб бериш натижасида халққа, ҳусусан, қорвачиларга жуда катта зарар етказди. Бўритала тараф чегарадан қўпонларнинг кўз ўнгида қўй йилқиларни ҳайдаб ўтиб кетди. Буларнинг бирортасини тан олмай, еб юборди. Текас-Сумба чегарасидан Мирзаҳакимбойнинг йилқисидан 700 донасини ўтказгач, ўзлари ҳам йўқ бўлиб кетди. Бундай мисоллар кўп. Олиб қочган одамларини советда яхши обрў билан яшамокда деб хат-хабарлар тарқатиб, бу ёқдаги ёмон йўлдаги одамларни ўғриликка жалб қилиб турди.

Бунинг устига шу вақтнинг ҳукумати “Сен совет бмлан алоқа қилдинг” деб, кўп одамларни ноҳақ қамаб, отиб-қопиб йўқ қиларди. Шарқий Туркистон халқи шундай зулмларни тортиб тургани етмагандай, ҳукумат 1943 йил ёзда бож ундириш билан бирга газ (стандартга уйғун - ред.) от олишни қаттиққўллик билан бошлаб, қорвачиларни қорози қилиб, бутун эркак қўй ва яхши отларни зўрлик билан олди. Шу вақтларда “совет Шарқий Туркистон ерига қурган заводларига ҳақ талаб қилиб қаттиқ турибди” деб, бу икки қолимдан ҳар бири ўзини оқлаш учун ҳаракат қилиб газеталарда ёлгонлар билан тўлдирилган сўзларни тарқатдилар.

Мазкур Шарқий Туркистон шимолида бўлган қийим-кечак қаҳатчилигидан жанубий Шарқий Туркистон мустасно эди. Чунки у ерда қўл саноатлари анча ри-вожланган бўлиб, қийим-кечаклар билан ўзини-ўзи таъмин қилар эди. Шунинг учун савдогарлар ўша томонга оқа бошладилар. Яъни, Олтишаҳардаги бу ҳунармандлар Шарқий Туркистон халқларини қийим-кечаклар билан таъминлаб, уларни совет талончиларидан бу соҳада сақлаб қолди. Бўлмаса, ҳаммажонли молларни қуридар эди. Чунки уруш вақтида Чўчақда 500 бош туяга арзимаган қийим-кечак берган. Ҳуллас, 1942 йили ёз ойларидан бошлаб совет билан савдо тўхтагандан кейин аҳоли қийим-кечакдан қийнала бошлаб,

газмол-матолар йўк бўлиб кетди. Айни замонда чорва махсулотининг харидори бўлмай, аҳолидан ошган катта сондаги чорва моллар кўлда туриб колди. Шу сабабли кейин уларни ўлканинг хар томонига олиб бора бошладилар. Бизнинг ҳам корамолимиздан 200 га яқини вояга етиб колган эди. 1942 йил ёз ойларида Оролтепа чорвадорларидан етти-саккиз киши акам билан бирликда 800 га яқин корамолни Юлдуз оркали Кичик Юлдузнинг шимолий тарафи Курангўл деган сой билан хайдаб, Кўктангри довони билан Урумчига яқин Кутиби - Монас ерларига ошиб тушишадилар. Мазкур довондан ошишга тайёрланиб туришганда, бир тўп калмоқлар келиб кўчларини тўхтатиб, хаммаларини тинтув килиб, буларни анча овора киладурлар. Магарки, мазкур сойнинг кумида олтин бор эмиш. Шу кумдан олиб кетиб, олтин топганлар бўлган экан. Хулласи, акам рахматлик шу томонда молларни сотиб, уч ой деганда бир хуржун пулни олиб, Гулжага омон-эсон келдилар.

Ўша йил ноябрь ойининг охирларида эса мени маслахат билан Олтишахар-Ёркентга юборадургон бўлдилар. Шу куни шанба эди. Бизнинг уйда тўрт киши булиб, яъни мен, Тўлаган бойнинг ўгли Абдусаттор, хизматчиси Хилол сўфи ота, яна бири улфатларимдан Маъруфжон тўпландик. Хаммамизнинг хуржунимизда - нақд пул. Шу вақтларда совет томонидан хиёнатлар бўлиб, унга нисбатан ёмонликлар килган бўлса ҳам Шаркий Туркистонни бошқариб турган Хитой ҳукумати анча тўгри йўл тутган экан. Йўкса, халкка бундай шароитлар ва ҳам йўлларда тинчлик ёр бўлмас эди.

Шул куни Ёмотуга кўндик. Катта йўл билан юриб Кизилкура, Мўнгулкура, Текас, Курбонжоннинг кўприги, Корасув, Нўгайнинг саройи, Шоти ҳам Ойнабулок, Паласкарагай, Хоняйлов, Тўгрисув, Айгирёл, Ифорлик Ходамуз, Музот, Тамгатош, Тугбелча, Янгибозор, Кўргон, Кизилбулок, Овот, Жом шаҳарчаси, Тозлангар оркали Оксув кўҳна шаҳарга 13 кунда омон-эсон бориб, Махсум хожи саройига тушдик.

Ўзимиз аслида Ёркент шаҳрига боришимиз керак эди. Чунки у ерда бизбоп матолар топилар эди. Шунинг учун Оксувда 5-6 кун туриб, у томонга юрадургон йўлдош топдик. Булар ҳам гулжалик савдогарлар эди. Рўзанбой, Иброхимжон, Маъруф охун, Тойибжон яна бирови тошкентлик, лакаби Тўхтабойвачча экан. Бошқаларининг отлари эсимда йўк. Шундай килиб, Оксувдан декабрь ойининг охирларида тўккиз нафар одам ўн бир донга от билан, булардан бирига йўлда ейдургон масаллик ортиб олиб, Оксувнинг Обод деган кишлоғига бордик. Шу ердан Такламакон чўлининг гарби-шимолидан карвон йўли бошланиб, бу йўл билан факат киш ойларидагина юриш мумкин экан. Шунинг учун мазкур ердан Моролбошига чиқиш жойидан Кашкар йўлига кирмай, тўгри йўл билан юриб, Оксукморол, Сарикбуяларни босиб, 12 кунда Ёркент шаҳрига келдик. Чўл йўлларида бекатлар бўлиб, юриш учун шарт-шароитлар кийин бўлса ҳам, хар холда чўлнинг манзарасига келсак, биз кўрмаган бир хил ёввойи дарахтлар бўлиб, буни “тугроқ” деб аташар экан. Яна юлгуннинг хар хиллари бўлиб, буларнинг тубларига улкан кум тепалари йигилибдур. Бамисоли гоят буюк, бепоён кум мазори хосил бўлибдур. Ушбу чўлда уйгурларнинг дўлан деган кабиласи яшаб, булар асосан чорвачилик билан шугулланар эканлар. Буларнинг кийимлари узун, ёкаси тик, этагининг икки ёни кесик, кўринишлари козобашара, турмушлари жуда эски замонларни эслатади.

Йўл таассуротини тўлдириш учун яна озрок оркага кайтиб, такрор бўлса ҳам, Оксув вилоятининг кўҳна шаҳри хакида кўрганимни ёзаман. Гулжадан келишда Тозлангар деган кишлокка етгач, 7-8 чакирим юриб, Оксув шаҳрига келасиз. Шундайгина жарликнинг ичига тушасиз. Шаҳар кўчаларида дарахт йўк, мазкур кўчаларнинг далда жойларида булок бўлиб, батамом халк сувни шундай булоқлардан ичар экан. Одамлари

кўринишдан ковоги солиқ, тажанг, бадхулк, нимжон ва мажрух каби. Аммо шундай сиртга чиксангиз Ёрбоши, Ободларнинг одамлари соглом, бакувват, хушчакчак кўринадур. Шунинг билан бирга Оксув вилояти дехкончилик, чорвачиликлари яхши ривожланган жой. Гуручи ҳам машхур экан. Тогларида чорва, мод яхши бўладур. Кўй, йилкилари семиз, шу соҳа одамларининг турмушлари яхши экан.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайгуси" китобидан